

9-30-2020

IMITATION OF THOUGHTS-FEELINGS – ARTISTIC MEANS OF PSYCHOLOGISM

Islamjon Ahmedjanovich Yakubov

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, saymuratovai@gmail.com

Ijobat Tursunkulovna Saymuratova

Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Yakubov, Islamjon Ahmedjanovich and Saymuratova, Ijobat Tursunkulovna (2020) "IMITATION OF THOUGHTS-FEELINGS – ARTISTIC MEANS OF PSYCHOLOGISM," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 29.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss3/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 811.512.133-1

IMITATION OF THOUGHTS-FEELINGS – ARTISTIC MEANS OF PSYCHOLOGISM

ФИКР-ТУЙГУЛАР ИМИТАЦИЯСИ – БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ ВОСИТАСИ

ИМИТАЦИЯ МЫСЛЕЙ-ЧУВСТВ – ХУДОЖЕСТВЕННОЕ СРЕДСТВО ПСИХОЛОГИЗМА

¹Якубов Исломжон Ахмеджанович, ²Саймуратова Ижобат Турсункуловна

¹Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси, 27-уй. **E-mail:** yakubovislom@mail.ru

²Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе.
E-mail: saymuratovai@gmail.com

Abstract. The article deals with the specific principles and features of Uzbek prose of the independence period. Being one of the specific principles of Uzbek prose of the independence period, it comprehensively covers the specific expression of folklore motifs in an artistic context. In particular, this situation was interpreted on the example of the prose of the writer Isajon Sultan, and his story “Bogi Eram” was involved in artistic analysis. With the help of artistic analysis, the main essence of the story is revealed. The spirit of the character, whose behavior is based psychologically, is interpreted as a serious change in the psyche of the hero in the course of the development of folk motifs. It is also scientifically and theoretically justified by the fact that in modern Uzbek prose writers resort to folklore motives and views to realize their artistic purpose.

At the new stage of modern development, it can be seen that the influence of various views and trends in the public consciousness of the world is significant, even in the direction of Uzbek national thought. This is one of the main scientific problems of modern Uzbek prose. In prose, the features inherent in the oral creativity of the people are considered very important for expressing the ideological content of a work of art.

Naturally, this situation is also related to the artistic skill of writers, their worldview, and style of thinking. The social environment is always closely connected with literary, spiritual, and cultural life. In fact, people of today's era are in a state of consciousness, updates and changes in the psyche are reflected in the primary, in literature and art. Through this plot, which is addressed to the analysis, the manifestation of folk motifs in the modern literary process is fully revealed, and thus the individuality and features of the writer's style.

Keywords: story, myth, genre, style, image system, mythological imagination, mythological point of view, spiritual and psychological experience, ideological and aesthetic task, national tradition, artistic context, folklore motifs, human spirit, fictional image, hero, narrator, epic narrator, associative situation, inner speech, artistic detail.

Аннотация. В статье рассматриваются специфические принципы и особенности узбекской прозы периода независимости. Являясь одним из специфических принципов узбекской прозы периода независимости, она всесторонне освещает специфическое выражение фольклорных мотивов в художественном контексте.

В частности, эта ситуация была интерпретирована на примере прозы писателя Исаджона Султана, а его рассказ “Боги Эрам” был привлечен к художественному анализу. С помощью художественного анализа раскрывается основная суть рассказа. Дух персонажа, поведение которого основано психологически, трактуется как серьезное изменение психики героя в ходе развития народных мотивов. Она также научно-теоретически обоснована тем, что в современной узбекской прозе писатели прибегают к фольклорным мотивам и взглядам для реализации своего художественного предназначения.

На новом этапе современного развития можно видеть, что влияние различных взглядов и направлений в общественном сознании мира значительно, даже в направлении узбекской национальной мысли. Это является одной из главных научных проблем современной узбекской прозы. В прозе черты, присущие устному творчеству народа, считаются очень важными для выражения идейного содержания художественного произведения.

Естественно, такая ситуация связана и с художественным мастерством писателей, их мировоззрением, стилем мышления. Социальная среда всегда тесно связана с литературно-духовной, культурной жизнью. На самом деле люди сегодняшней эпохи находятся в состоянии сознания, обновления и изменения психики находят свое отражение в первичном, в литературе и искусстве. Через этот сюжет, обращенный к анализу, в полной мере раскрывается проявление народных мотивов в современном литературном процессе, и тем самым индивидуальность, особенности стиля писателя.

Ключевые слова: рассказ, миф, жанр, стиль, система образов, мифологическое воображение, мифологическая точка зрения, духовно-психологическое переживание, идейно-эстетическая задача, национальная традиция, художественный контекст, фольклорные мотивы, дух человека, вымышленный образ, герой, рассказчик, эпический рассказчик, ассоциативная ситуация, внутренняя речь, художественная деталь.

Кириш. Истиклол даври ўзбек насри воқеаларнинг ёрқин манзараларини ўта таъсирчан руҳда кўрсата билиш, ўзига хос образлар тизими, давр ўзгаришларининг ёрқин ифодаси билан ажралиб туради.

“Истиклол даври миллий насримиз тараққиётининг муҳим тамойилларидан бири мафкура таъйикдан қутулган ижодий жараёнда юзага келган эркинлаштириш натижасида мавзулар доирасининг кенгайганлиги ва халқимиз турмуш тарзини, уларнинг турфа хил руҳий-психологик кечинмаларини адабиётимиздаги мавжуд миллий анъаналар ва жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалардан таъсирланиб, ўзига хос турли тасвир усулларидан акс эттираётганлигидадир”[1].

Оламни ўзига хос мифологик тасаввурлар орқали идрок этиш ва уни бадиий контекстда ифодали олиш ҳозирги ўзбек насрининг муҳим тамойилларидан бири саналади. Адабиёт ва фольклор мотивлари орасидаги боғлиқлик масаласи, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жаҳон адабиётшунослигида кенг тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётида ҳам фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги муносабат ўрганилган ва ўрганилаётган тадқиқий жараёндир. “Миф нафақат борлиқ олам ва воқеликни асосий тимсоллар воситасидасида ифода этишнинг ёрқин намунаси, балки кенг қамровли фалсафий-ахлоқий потенциалини ўзида жамлаган номоддий маданий мерос тизими бўлганлиги учун ҳатто энг замонавий муаммоларни ҳам шартли-рамзий шаклларда ифодалашга имкон берувчи маданий феномен ҳисобланади”[2]. Шу сабабдан ҳам бугунги ўзбек насрида ёзувчиларимиз ўзининг бадиий ниятини амалга ошириш мақсадида фольклор мотивлари ва образларига мурожаат этишган. Адабиёт ва фольклор орасидаги боғлиқлик масаласи, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жаҳон адабиётшунослигида кенг тадқиқ этилган. Ўзбек адабиётида ҳам фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги муносабат ўрганилган ва ўрганилаётган мураккаб тадқиқий жараёндир. Айнан бундай ҳолат ва жараённинг асар структуравий тузилмасига олиб кирилиши, ундаги қаҳрамонлар руҳий ҳолатини тўлақонли тафтиш этади. Қаҳрамон руҳиятининг мураккаб қатламларини бадиий таҳлил этилганлигини Исажон Султоннинг “Боғи Эрам” ҳикояси орқали кўришимиз мумкин. Истиклол даври ўзбек насрида Исажон Султон ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, унинг ҳикоялари бадиий-ғоявий, ифодавий жиҳатдан ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотда истиклол даври ўзбек насрининг ўзига хос тамойиллари ва хусусиятлари ҳақида сўз боради. Истиклол даври ўзбек насрининг ўзига хос тамойилларидан бири бўлмиш фольклор мотивларини бадиий контекстда ўзига хос усулда ифодали олиш атрофлича айтиб ўтилган.

Хусусан, бу ҳолат ёзувчи Исажон Султон насри мисолида талқин этилиб, унинг “Боғи Эрам” ҳикояси бадиий таҳлилга тортилган. Бадиий таҳлил орқали ҳикоянинг асосий мазмун-моҳияти очиб берилган. Персонаж руҳияти, хатти-ҳаракатлари психологик жиҳатдан асосланиб, фольклор мотивлари асносида қаҳрамон руҳиятидаги жиддий ўзгаришлар талқин этилган. Шунингдек, бугунги ўзбек насрида ёзувчилар ўзининг бадиий ниятини амалга ошириш мақсадида фольклор мотивлари ва қарашларига мурожаат этганлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Бугунги тараққиётнинг янги босқичида ўзбек миллий тафаккур йўналишида ҳам жаҳоннинг ижтимоий онгидаги турфа фикрларнинг ва йўналишларнинг таъсири сезиларли даражада эканлигини кўриш мумкин. Шу сабаб ҳозирги ўзбек насрига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш, уни тадқиқ этиш асосий илмий муаммолардан биридир. Насрда халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар бадиий асарнинг ғоявий мазмунини ифода этишда жуда муҳим саналади.

Табийки, бу ҳол адибларнинг бадиий маҳорати, дунёқараши, тафаккур тарзи билан ҳам боғлиқ. Ижтимоий муҳит доимо адабий-маънавий, маданий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқдир. Дарҳақиқат, бугунги давр кишилари онгу тафаккури, руҳиятидаги янгиланиш ва ўзгаришлар бирламчи ҳолатда, адабиёт ва санъатда ўз аксини топади. Таҳлилга тортилган ушбу ҳикоя орқали ҳозирги адабий жараёнда фольклор мотивларининг намоён этилиши ва шу йўл орқали ёзувчи услубининг индивидуаллиги, ўзига хос жиҳатлари тўлақонли очиб берилган.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқотнинг объекти сифатида Исажон Султоннинг ҳикоялар тўплами, ёзувчининг шахсий архивидаги ижодига доир манбалар ва адабиётшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари олинди.

Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёсий-типологик, герменевтик, руҳий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ёзувчининг “Боғи Эрам” ҳикояси халқ оғзаки ижодининг афсона жанри руҳи ва услубида битилган. Мазкур ҳикоя 2014 йилда Туркиянинг Алания шаҳрида чиқадиган “Guncel Sanat” журналининг халқаро адабий танловида ғолиб деб топилган. Маълумки, фольклор жанри бўлган афсоналар одатда, хаёлот маҳсули бўлса ҳам, ундаги бадиий тўқима сўзловчи ва тингловчи томонидан худди ҳақиқатдек тасаввур этилади. Зотан, кўпинча уларнинг бўлиб ўтган даври ва макони ҳам кўрсатилади. Бинобарин, афсоналар бадиий асар таркибида шунчаки уйдирма ёхуд ақлга тўғри келмайдиган ёлғон сифатида келтирилмайди. Улар ёзма адабиёт, айниқса, бадиий, фалсафий, диний, тарихий ва ахлоққа оид асарларнинг мавзуи, муайян қисми сифатида аниқ ғоявий-эстетик вазифани бажаради. Дарҳақиқат, мифологик мотивлар асарнинг бадиий-эстетик қиммати ва таъсир кучини оширишга, инсон руҳиятини янада чуқур ҳамда тўлақонли тасвирлашга хизмат қилади. “Фольклор мотивлари, ундаги кизиқарли сюжет йўллари, ифодали тасвир воситалари ўзбек насридаги халқчил реалистик йўналишнинг камол топишида муҳим рол ўйнайди”[3]. Замонавий насрда фольклорга оид мотивларнинг деярли барчаси асар бадиияти билан уйғунлашиб, ўзига хос бутунликни ҳосил этган.

Исажон Султон каламига мансуб “Боғи Эрам” ҳикоясининг ифода усули баён тарзи ҳам зоҳиран хаёлий образ ёки тасаввур асосига қурилгандек туюлади. Бироқ, асарнинг Она, Холмуҳаммад бува (Ота, Ўғил, Набира учлиги), Дўст, Болалар каби бирқадар умумийроқ номлар билан аталган конкрет қаҳрамонлари китобхон томонидан унинг ёши, ҳаётининг тажрибаси ва умр фалсафасига кўра, ўзи, ота-онаси, дўст-биродарлари, ҳамқишлоқлари сингари қабул қилинади. Вокелик ҳам қачонлардир содир бўлган ёхуд муқаррар юз берадигандек англашилади. Қизиғи шундаки, мазкур ҳикоя заминидан ҳам худди афсоналардагидек мўъжиза ва сеҳр-жодуга хос унсурлар бўй кўрсатади.

Ҳикоя номига чиқарилган топономик мазмундаги Эрам боғи мавзуси унинг афсоналарга ўхшаб кетишини таъминласа-да, асар тузилиши жиҳатидан худди эртақ, нақл ва ривоятларни эсга солади. Халқимизнинг мифологик қарашларига кўра, Эрам боғи парилар юрти бўлиб, таърифига сўз ожиз бўлган афсонавий боғ Кўҳи Қоф, яъни Қоф тоғи орасида жойлашган мифик жой бўлиб, парилар маскани деб талқин қилинади. У ҳажман етти саҳифадан иборат бўлиб, болаликнинг тахминан етти-тўққиз яшарлик даврини хотирлаш билан бошланади. Ҳикоячи “Мен” ўз ёшига мутаносиб тарзда Онаси ёпган нонлардан бирини олиб қочиб, ўртоғи билан ариққа оқизиқ қилиб еярган, буни болаликнинг одатдаги ўйини ёки ўйин чоғидаги жўн шўхлик деб қабул қилади. Бироқ, адиб айнан ўша сувга бўктирилган нон деталини ўзга бир ракурсдан – Холмуҳаммад буванинг унга бўлган муносабати, бўктирилган нонни кўрган кездеги руҳий ҳолати, бу ҳолатнинг айнан ўша кезде болакайлар учун англамасиз экани жиҳатидан ҳам қузатади. Ўша ҳаётининг вазият-ҳолат ҳикояда шундай тасвирланади:

– “*Нимага йиғляяписиз, бува? – деб сўрадим мен.*

Чол, соқоли титраб:

– *Бир маҳаллар мен ҳам онам ёпган нонни шунақа оқизиб ер эдим, ўшани эслаб йиғляяпман, болам. Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим...* – деди. Нон егиси келяпти, деб ўйладимми, ҳар ҳолда ўзимнинг сувга бўккан нонимни олиб, унга узатганим эсимда. Чол бўлса нонни олдию ҳеч уялиб-нетмасдан, хўнграб йиғлаб юборди.

Бизлар анграйиб қолдик”[4].

Китобхон ҳам эпик баёнчига қўшилиб, қутилмаганда пайдо бўлган ва қўлида бир бурда нон, кўзида ёш билан имиллаб ўз йўлида давом этаётган чолнинг ортидан термулиб қолади. Унинг шуурида мулоҳаза ва муҳокама жараёни бошланса, учқур хаёллари олис хотиралар сари парвоз этади.

Демак, аёнки, бундай кезде китобхон муайян муддат реал борлиқдан узилиб, бир жиҳатдан ҳикоя берган эстетик таъсир импульси, иккинчидан бадиий воқеликка у қадар боғлиқ бўлмаган ўз ҳаёт фалсафаси, кўрган биланлари: онаси ёпган нонлар, уни сувоқизик қилиб еган кезлари ва табиийки, исми ҳикоядаги сингари Холмуҳаммад бўлмаса-да, ўзига таниш қайсидир чолни ҳам эслайди. Эҳтимол, ҳаётида бўлган шунга яқин аллақайси воқеани кўз ўнгига келтирса ҳам ажаб эмас. Натижада, унинг борлигини англамасиз бир ўқинч ва армон ҳислари чулғайди. Шу кез у нисбатан кенг маънода туғилиш, яшаш ва кексайиш каби узлуксиз жараёнлар; миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъий назар она ва бола қисматига айрилиқ ва армон, ўқинч ва надомат туйғулари битилгани, ҳаётнинг ариқдаги сувдай шошқин ва югурик экани хусусида ўйлай бошлайди. Лаҳзанинг қадри нечоғлиқ баланд, ёшлик ва кексалик ораси шунчалик яқин эканини ҳис этади. Ёшликнинг қайтмас гўзаллиги, болаликнинг бетакрор боқира туйғулари оламига тушиб қолади. Адиб буни сезгандай, ҳаётини вазият тасвиридан ассоциатив ҳолат ифодасига кўчади:

“... ариқдан ҳатладимиу чол ҳам эсимдан чиқиб, кўзларим бақрайганча қотиб қолдим. Нима кўрдим деген? Қопқалари тилладан, тутқичлари биллурдан бўлган бир боғнинг қаршисида кўрдим ўзимни! Қопқа ёнида, биллур халқани тутиб турган мен қатори бир болакай менга қараб кулар ва ичкарига имлар эди... Бу боғ самовий эди! Ғоят гўзал эди! Бу гўзалликка мос таъриф тополмай ўртанаман”[4].

Ҳақиқатан ҳам, олтин ниначилар ортидан чопқиллаш ва зар қанотли Семурғ билан суҳбатлашиш, шохлари булутларга туташ яшил дарахтлардан ҳайратланиш мумкин бўлган бу боғнинг самовий эканига ишонгингиз келади. Аммо, ҳикояда ўша боғ боланинг онасию барча катта ёшдаги кишилар қалбига адоқсиз ҳадик ва кўркув солади. Чунки мазкур боғдагилардан кимдир тирикларни чақирса ёки тушида болакай ўша самовий боғнинг ичкарисига кириб қолса, бу унинг дунёвий ҳаёти учун хавфли, ўзга дунёдан келган чорлов муждаси сифатида қабул қилинади. Демак, ҳикоя китобхоннинг халқ ишонч-эътиқодлари заминидан шаклланган ёндош ўлчамлардаги ўзга дунёлар, ўликлар мамлақати ҳақидаги тасаввурларини ишга туширади. Иситмалаш ва “алаҳсираш”дан ўзига келган болакай бошида парвона бўлаётган онаизорнинг ташвишли ҳолатига назар ташлайлик:

- *“Вой болажоним, нима бўлди сенга? Кўрқитиб юбординг-ку, жоним болам!?”*
- *Кўрдингизми, сиз ҳам кўрдингизми? – дедим ҳаяжонда, тилим зўрға айланиб. – Боғни кўрдингларми?*
- *Қанақа боғ? – деди онам, ранги яна ўзгариб. Қанақа боғ ўғлим?...*
- *Сени ўша боққа ҳеч ким чақирмадими? Кўргангизда боғнинг ичкарисига кирдингми-ўғлим?”[4].*

Йиллар ўтиб, ҳикоячи “Мен” улғаяди, ўзи ҳам ота бўлади. Данагидан мағзи ширин, деганларидек, Она (эндиликда буви) неварасини ўғлидан кўра кўпроқ авайлайди. Қалдирғочдек чуғиллаганини кўрганида, яшнаб кетади. Аммо эпик баёнчининг ёшига монанд тарзда ғайб оламидан мужда бераётган боғ манзаралари ҳам ўзгариб, турланиб боради. Дарҳақиқат, йигит иккинчи бор ўша сирли боғни кўрганида, биз эшик олдидаги ўша таниш дарбонни соқол мўйловли ёш йигит холида учратамиз. Баёнчи кўз ўнгида лаҳзанинг ўзидаёқ гул кўчатлари ғунчалаб, ғунчалар ўша заҳотиёқ гул бўлиб очилади. Баҳайбат дарахтдан узилган сарғиш япроқда Отанинг исми битилгани гувоҳи бўламыз. Боғ сирли равишда пайдо бўлади ва яна ўшандай, бехосдан ғойиб бўлиб қолади. Баёнчи беихтиёр ўғлига (кенг маънода ҳар бир китобхонга) мурожаат этиб:

- *Уни сен ҳам кўрдингми, зуредим? –* дея хитоб қилади.

Ўқувчи узилиб тушган барг ва ундаги ёзувни эслагани сари, қалбининг аллақайси буржида совуқ бир хавотир ҳам кезина бошлайди. Ҳа, бу хавотир бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг муаззам шажараси (ҳикояда баҳайбат дарахт)дан худди бир барг янглиғ узилган жон, аниқроқ айтганда табиат ва инсон қисматининг қиёси китобхонда ҳам сирли, синоатли бокқа нисбатан қандайдир ҳадик ва кўркув ҳиссини уйғотади. Кузатганимиздек, ўнг ва туш, хаёл ҳамда хотира ўзаро қоришиб, жипслашиб кетади. Зотан, тушдаги манзаралар ўнгда, ўнгдаги таассуротлар эса тушда бемалол давом этаверади. Умр ўз маромида илгарилайверади ва баёнчи ҳам аста-секин боғ кўркувини унута боради. Чунки кундалик ташвишлар айрилиқ ғамларидан устун келади.

Баёнчи ёши анчага бориб, сочсоқоли оқарган кезде сирли боғни учинчи бор кўради. Ниҳоят, баёнчи “Мен”и атрофида содир бўлаётган ғалати акслар инсон умрининг шошқин тарзда ўтиб бораётгани ҳикматидан сўзлашини ҳис қилади. Зотан, кўз ўнгимизда содир бўлган реал ҳақиқатлар:

инсон белининг қуввати, умрининг энг масъуд дамларини, хатто ёшлигини фарзандларининг соғлом, бахтли ва тўқ яшашларига нисор этган Ота ўз ўрнини ўғлига бўшатиб бергани, йиллар ўтиб неваралар улғайган сари, “Мен” ҳам умр аталмиш учкур тулпорни ушлаб қолиш имконидан маҳрум бўлиб бораётганида ажодлар алмашинуви муқаррар экани ҳикмати мужассам.

Биобарин, тасвирланаётган боғнинг дарбони сочларига оқ оралаб, боққа куз фасли қадам ранжида қилгани энди бизга у қадар сирли туюлмай қўяди. Чунки ҳикояда моддийлаштирилган табиат фасллари ва инсон авлодлари алмашинувига хос реалликни аниқ ҳис қиламиз, англаймиз. Шу боис, узилаётган барглар ҳам бизни олдингидай қаттиқ хавотирга солмайди. Зотан, тасвир ҳам шунга монанд ўзгариб боради:

“– Кузнинг бунақа гўзаллигини сира кўрмаганман. Дарвоза қаршисидаги дарахтдан олтин япроқлар мунгли бир жаранг билан бандидан узилиб, ерга соллана-соллана қўнардилар... Бу сафар оёғим остига келиб тушган япроқда дўстимнинг исми ёзилган экан...”[4].

Болаликдан бирга ўйнаб катта бўлган, тақдири тақдирингга туташ тенгдошларинг ҳам бирин-бирин бу дунёни тарк эта бошласа, кўнгилни алланечук бир мунг эгаллайди. Демак, япроқлар таратаётган “мунгли бир жаранг”да ўша кайфият-ҳолатга ишора қилинган. Баёнчи ишора ва белги-аломатлар тилида сўзлайди. Унинг “соч-соқол оқарган” кабилидаги белги-ишорасининг ўзиданок қариликнинг штрихлари ойдинлашади. Шунинг учун қахрамон ўз жисмоний ва руҳий ҳолидан сўз очганида анча сокин сўзлайди:

“– Осмонга булут чиқса суякларим симиллаб оғрийди. Кўзим ёшланади. Кўпинча, дарвозам олдидаги супада қуёшда исиниб ўтираман. Олтин куз офтоби вужудимга хуш ёқади. Қалбим ҳам куз сувлари каби тиниқ, сокин...”[4].

Ҳикояда ровий “саодат боғи”ни тўртинчи даъфа кўрганида китобхон содир бўлаётган воқеликнинг авлодлар қисматида такрорланаётганини ҳис этади. Зотан, баёнчи ариқда нон оқизик қилаётган иккита номаълум болакайга термуларкан, беихтиёр тарзда ўз болалиги, ота-онаси, дўсти ва ўша кездеги қайноқ нонларни хотирлайди, аниқ кўз ўнгига келтиради. Болакайлар, аниқроқ айтганда, қайтмас хотирага айланган болалиги қошидан кета олмай, кўздан милт-милт ёшлар оқизаётган қария бизга беихтиёр тарзда илк манзарадаги Холмуҳаммад бобо киёфасини эслатади. Айни пайтда, ҳаёт чархпалагининг бу қадар тез ва шошқин айланиш ҳайбатидан кўрқув ҳиссини уйғотади. Ровий шу тарзда кўнглини очади:

“– Қандайин қайноқ, ҳовурли эди у нонлар. Онагинамнинг бағридай тафтли эди-я... Қандай эдим-а... Қандай эдик-а, биродарлар...”[4].

Инсон умрининг нурли ва армонли лаҳзалари ҳақидаги юқоридаги тасвирлар энди фақат ровийга тегишли бўлолмайди. Чунки, у китобхонни ўзига биродар санаб, ҳар бир қалбда ҳамдамлик туйғуларини уйғотишга муваффақ бўлади.

Асосига суяниб, имиллаб илдамлаётган чолнинг хорғин вужуди, изтироб, армон, шукроналик, меҳр-шафқат қоришиқ маҳзун термулишлари хотирамизда муҳрланиб қолади. Шу билан бирга, кафтимизда сувга бўккан бўлса-да, тафтини йўқотмаган ўша бир бурда нонни ҳам ҳис қиламиз. Бу тафт бизни онажонимиз бағрида кечган олис ва яқин ҳароратли дамлар соғинчи, болаликнинг қайноқ дамлари сарҳадларига етаклайди. Беихтиёр тилимиздан: *“– Қандай эдим-а... Қандай эдик-а, биродарлар”* – деган армонли сўзлар учганини сезмай қоламиз.

Англашиладики, Исажон Султон баёнчининг ўзига қаратилган ички нутқини бадий психологизмни очишга хизмат қилдиради. Шунинг учун ҳам унинг онгида кечаётган ўйлар, қалбидаги туйғулар имитациясига хос самимият ҳар қанча шартли бўлмасин, улар персонаж руҳиятини очади. Чунки баёнчи (ровий) юз бераётган воқеаларни мушоҳада қилибгина қолмай, уларнинг моҳиятига етишга интилади. Ўзини, табиат ва одамларни тафтиш қилиш асносида кўнглини ҳам очади. Ҳис қилганлари ва англаганларига иқроп бўлади. Демак, унинг руҳияти турфа зиддиятлар, иккиланишлар, баъзи чалғишлар асосида драматиклаштирилади.

“Бадий психологизм – бадий асарда тўлақонли инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири, персонаж руҳиятининг очиб берилиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадларга хизмат қилувчи усул ва воситаларнинг жами. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин”[5]. Гарчи барча ўйловлар ёзувчи аралашувисиз кечувчи эркин психик жараён – “онг оқими” тасвирларидан иборат бўлса ҳам, ички монолог муайян тартибдан буткул холи эмас. Зеро “ички монолог – қахрамоннинг ўз-

ўзи билан ичдан (рухан) гаплашиши, фикрлаши, ҳис-туйғуларининг ички ифодаси. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларига айтилади. Шу боисдан монолог орқали қаҳрамон китобхон олдида ўз-ўзини очади. Натижада унинг шахсиятида ҳеч нарса сирли ёки тушунарсиз бўлиб қолмайди. Одатда ички монологларда қаҳрамон ҳаётининг энг кескин моментлари ифодаланади”[6].

Хулоса

Ҳикоядаги етакчи мазмун миллий турмуш ва кундалик ҳаёт тарзимизга хос нон – сувга бўктирилган ўзбек нони бадиий деталлари орқали ифодаланган. Мазкур деталь такрорланиб келиш орқали муҳим ғоявий-бадиий юк ташувчи тафсилотга айланди. “Санъат асарларидаги ҳар бир деталь, эпизод, воқеа, манзара ва образ, тасвир воситалари ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятига хизмат қилдирилади. Ҳар бир детал, унсур, тасвир воситаси муаллифнинг ғоявий-бадиий ниятига тўла мувофиқлиги билан аҳамиятлидир”[6]. Демак, бадиий воқеликни яратишнинг бу муҳим ашёси ҳикояда тасвирланаётган нарса-ҳодисаларни конкретлаштирибгина қолмай, ҳиссий идрок қилиш мумкин бўлган тарзда гавдалантиради ҳам. Шу боис, биз ровий образини жонли инсон сифатида яхлит тасаввур қиламиз. Она образи ҳикояда бевосита иштирок этмаса ҳам, ровий онг ости туйғуларини ҳаракатга келтирувчи етакчи куч унинг меҳр-муҳаббатидан тафт олган нонлар бўлиб, адиб шу муҳим деталь орқали соғинч, қарздорлик туйғуларини уйғотишга эришади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўраев Д. Янги ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 2008. – Б. 178.
2. Отажонова М. “Боғи Эрам” ҳикоясида аниматик мифология ва унинг хусусияти. Исажон Султон насри бадиияти. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2017. – Б. 195.
3. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётининг фольклоризм: Филол. ф. д-ри. дисс.-Тошкент, 1994.- 24 б.
4. Исажон Султон. Боқий дарбадар. Роман, қисса, ҳикоялар. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 280.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр 2010. – Б. 398.
6. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 558.

References:

1. To'raev D. Yangi o'zbek adabiyoti. – T.: Fan, 2008. – B. 178.
2. Otajonova M. “Bog'i Eram” hikoyasida animatik mifologiya va uning xususiyati. Isajon Sulton nasri badiiyati. – T.: “Turon zamin ziyo”, 2017. – B. 195.
3. Mo'minov G'. Hozirgi o'zbek adabiyotida folklorizm: Filol. f. d-ri. diss. – Toshkent, 1994. - 24 b.
4. Isajon Sulton. Boqiy darbadar. Roman, qissa, hikoyalar. – T.: O'zbekiston, 2011. – B. 280.
5. Quronov D., Mamajonov Z., Sheralieva M. Adabiyotshunoslik lug'ati. – T.: Akademnashr 2010. – B. 398.
6. Boboev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –T.: O'zbekiston, 2011. – B. 558.

Муаллифлар:

Якубов Исломжон Ахмеджанович - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори.

Саймуратова Ижобат Турсунқулловна - Гулистон давлат университети Ўзбек адабиёти кафедраси, катта ўқитувчиси.